

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



### ОБОД ЮРТНИНГ ЮКСАК ҒАЛЛА ХИРМОНИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида ғаллакорларимиз Ватанимизнинг қутлуғ тўйига муносиб тўёна армувон эътибор. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўлаган табриғида таъкидланганидек, деҳқон ва фермерларимиз, барча ғала меҳнаткашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига юртимиз қишлоқ хўжалиги тарихида ilk бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

онаси совчи юборган томонга ўз розилигини билдиргач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон ушатилади.

Бироқ бир замонлар даврон чархи шундай терс айландики, қаттол шўро тузуми халқимизни ана шу моддий ва маънавий бойлигидан маҳрум қилди. Тупроғидаги тош ҳам гул очадиган жаннатий диёр аҳли донини ўзгаларга бериб, аламли ва аянчли кунларни бошидан кечирди. Мустабид тузум ўзининг зўравонлик сиёсатида озиқ-овқат маҳсулотларидан, айниқса, ғалладан ҳам халқни қарамлик сирмоғида тутиб турадиган қурол сифатида фойдалангани кексаларимизнинг хотирасидан ҳамон кўта-

рилган эмас.

Мана шу қарамликнинг аччиқ оқибатларини истиқлол арафаси ва мустақилликка эришилган ilk кунларда татиб кўрдик. Президентимиз таъбири билан айтганда, эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги кўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Халқимиз учун дон ва ноннинг қадрни азалдан ҳамшиша баланд бўлган.

Чақалоқ туғилса, нондек азиз бўлсин деб, ёстиқчасининг тагида кулча кўядилар. Бешикка белаш, ilk кадам кўйган чоғида ҳам болаларга кулча улашадилар. Ҳарбий хизмат-

га йўл олган ўғлонларга, узоқ сафарга кетаётган кишиларга нон тишла-тадилар. Бу "нон-насибаси йўқолмасин", "ой бориб, омон келсин" деган яхши ният ва тилакларнинг ўзига хос рамзидир. "Нон синдириш" — никоҳ тўйига тааллуқли маросимларимиздан бўлиб, қизнинг ота-

Ўзбекистон Республикаси Аглия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси томонидан "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотини (Словения) билан ҳамкорликда "Суд жараёнларининг самарали ва адолатли фаолиятини таъминлашга адвокатларнинг роли: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

### Суд жараёнининг муҳим иштирокчиси

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адвокатура институти мустақиллигини кучайтириш, ушбу йўналишдаги халқаро тажриба, суд жараёнида прокурор ва адвокат тенглигини таъминлаш масалалари атрафли муҳокама этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва адвокатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва АҚШ ҳуқуқшунослари иштирок этди.

Адвокатлар палатаси раиси Р.Аҳмедов, Аглия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Фафуров, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат-нотижорат

ташкilotининг минтақавий директори М.Север ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар соҳани изчил демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиганини таъкидладилар.

Адвокатура институти янада мустақамлаш ва фаоллаштириш, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари масалаларида тергов ва суд жараёнлари қонунийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

"Сизларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан!"

Президентимиз Ислам Каримовнинг куни кеча Ўзбекистон ғаллакорларига йўлаган табриғида келтирилган бу сўзларни эшитиб, бутун вужудим фахрийфтихорга тўлди. Қўвончдан, сурурдан кўзим намланди...

Iftixor

### Эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди

Истиқлол халқимиз ҳаётида нақадар улкан, ақлбодар қилмас ўзгаришлар қилганини биргина менинг ҳаётим мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эрта тонгдан қоронғу кечгача меҳнат қилиб биримиз икки бўлмаган, ҳуқуқимиз

топналган, турли синов ва қийинчиликларни бошдан кечирган пайтларни эслаб, бу ҳаётий ҳақиқат маъносини янада теранроқ англагандай бўлдим.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

### Бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойили

вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутди

Мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даврида демократик тамойилларга уйғун, миллий қадрият ва анъаналаримиз ўзининг теран ифодасини топган мустақам қонунчилик базаси шакллантирилди. Айниқса, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби тамойилларнинг қонунчилигимизга чуқур синдирилгани амалда қўтилган самараларни бермоқда.

Бунинг яққол тасдиғини вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки биллиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган айрим ёшларнинг ҳаётида яна тўғри йўлни топиб олишига қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ суд ҳокимиятини давлат ҳокимияти тизимининг мустақил тармоғи сифатида шакллантириш Президентимиз ташаббуси билан демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

### Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш

суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг бош мақсадидир

Айтиш жоизки, истиқлолнинг ўтган даврида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида демократик институт сифатида судларнинг аҳамияти тубдан оширилди. Пиравардида фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда судларнинг роли кучайди. Энг асосийси, судлар амалда давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида шаклланди.

Ўтган даврда Конституцияимиз негизда парламентимиз томонидан бевосита

инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган 120 тадан зиёд қонун қабул қилинди. Айниқса, кейинги йилларда, яъни мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилгач, мазкур олий давлат вакиллик органининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги ўрни янги босқичга кўтарилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқи парламент юқори палатасининг мутлақ ваколатига берилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

### Фуқаролар мурожаати

уни қонуний муддатда кўриб, ҳал этиш жамиятда қонунустуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадриятдир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, бошқарув органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар.

Бинобарин, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бирор-бир тарзда бузилган шахс уларнинг тикланишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эканлиги Конституцияимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларида кафолатлаб қўйилган. Шунингдек, мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб-чиқиш ва қонуний ҳал этишнинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида"ги қонунлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, ислохотлар жараёнида бу борадаги қонунчиликни янада тако-

миллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муҳокама этилаётган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Мазкур қонун лойиҳасида нафақат фуқаролар, айни чоғда юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларни қонун доирасида ҳал этиш тартиби назарда тутилган. Шунингдек, ушбу қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш чоғида қонунбузилишига йўл қўйганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини қўллашга доир меъёр ҳам ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)





